# ТИЛ БИРЛИКЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА МАДАНИЙ КОМПОНЕНТЛАР

**Д.А.Рустамов**

*Мақолада лисоний ҳодисаларда миллий ва маданий хусусиятларни фарқлаш масаласи кўрилади.*
***Калит сўзлар:*** *миллийлик, маданият, монолит, дискрет, менталлик, лингвокультурология, лисоний бирлик, лексема.*

*В статье рассматривается вопрос дифференциации национальных и культурных особенностей в языковых явлениях.*
***Ключевые слова:*** *национальность, культура, монолит, дискрет, ментальность, лингвокультурология, лингвистическое единство, лексема.*

*The article speaks about the matter of differentiation of national and cultural features from linguistic phenomena.*
***Key words:*** *nationality, culture, monolith, discrete, mentality, cultural linguistics, linguistic unity, lexeme.*

---

Тил ҳодисаларига *миллий-маданий яхлитлик* сифатида муносабатда бўлиш бу тушунчага терминологик ойдинлик киритишни тақозо қилади. Аввало, *миллийлик* ва *маданият* тушунчалари ажралмас, монолит ҳодисани англатадими ёки улар дискрет яхлитликнинг узвларими деган саволнинг қўйилиши мақсадга мувофиқ. Ҳодисалар чегарасини аниқлаш, боғлиқлик ва яхлитлик даражасини ойдинлаштириш уларнинг тил ҳодисаларидаги тажассумини объектив илмий талқин қилиш имконини яратади. Чунки тил бирликларидаги миллий ўзига хослик ва маданий хусусият бошқа-бошқа ҳодисалар сифатида намоён бўладиган ҳолатлар жуда кўп. Миллий ҳодисаларнинг барчасида ментал дунёқараш акс этавермайди. Масалан, бир тил фонетик тизими акустик ва артикуляцион белгилар мажмуи сифатида мутлақ миллий ҳодиса. Лекин, дейлик, [а] унлисининг лисоний моҳияти бўлмиш “лабланган, қуйи кенг”лик белгисига маданий тус бериш ўзини оқламайди ва у умуман маданият категориясининг таркибига кирмайди. Тўғри, тил миллатнинг моддий-маънавий бойлиги, ментал дунёқараш эса миллий маданиятни аниқлаш ва талқин қилишнинг ибтидо “бекати” ҳисобланади. Демак, бугунги кунда тил ҳодисаларига махсус лингвокультурологик ёндашув кучаяётган экан, анъанавий талқинлардагидан фарқли равишда, миллий ва маданий жиҳатларни фарқлаш, тил бирлигидаги уларнинг яхлитлик ва ҳамроҳлик даражасини аниқлаб олиш, талқинларда уларга моҳият эътибори билан муносабатда бўлиш катта методологик аҳамиятга эга. Бу эса лингвокультурологик таҳлилларнинг объекти ва предметини муайянлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан лисоний бирликнинг қуйидагилардан қайси бирига мансублиги ойдинлашади:

а) миллий феномен сифатидаги лисоний бирлик;

б) маданий феномен сифатидаги лисоний бирлик;

в) миллий-маданий феномен сифатидаги лисоний бирлик.

Тил ҳодисаларидаги миллий-маданий яхлитлик ҳақида фикр юритар экан, тилшунос В.Г.Гак бу яхлитликдаги миллий ва маданий унсурларни фарқлаш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича, тилларни қиёслаш жараёнида миллий хусусият-

лар очилади [3.260-261]. Бизнинг назаримизда, буни “фақат миллий хусусиятлар очилади” тарзида тушуниш ярамайди. Чунки тилларни қиёслаш жараёнида маданий хусусиятлар ҳам очилади. Демак, олимнинг фикрини “миллий хусусиятларни аниқлаш учун тилларни қиёслаш омили етарли” деган мазмунда тушуниш лозим деб ўйлаймиз. Бундан эса маданий хусусиятларни аниқлаш учун фақат тилларнинг қиёсланиши етарли эмас, маданиятларни ҳам қиёслаш зарурлиги англашилади. *Маданият* тушунчаси *тил* тушунчасидан кенгроқ ва кўламдорроқ бўлгани сабабли маданий концептлар моҳияти миллий тил ва миллий маданиятлар қиёси натижасида очилади.

Тўғри, масалан, миллий ҳодисалар табиий ва маданий кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Шундай миллий ҳодисалар мавжудки, улар кўпроқ бир халқ ҳаёти, турмуш тарзи билан дахлдор бўлиб, миллий-жўғрофий аҳамиятга молик бўлади. Масалан, денгизбўйи халқлари учун миллий таомлар сирасида балиқ маҳсулотлари кўпроқ аҳамиятга эга. Европа халқлари учун ўрмон ана шундай табиий-миллий ҳодиса ҳисобланади. Марказий Осиё халқлари ҳаёти ва турмуш тарзида полиз маҳсулотлари ана шундай миллий моҳиятга эга. Рус халқи учун қовуннинг нари борса бир-икки тури маълум бўлса, ўзбек халқи унинг 500 га яқин турини фарқлайди. Ҳодиса талқинининг бундай чуқурлашуви миллий-табиийликдан миллий-маданийликка туташиб кетади. Ўзбек халқи табиатни ўзлаштириши натижасида узумни маданийлаштириб, унинг 600 дан ортиқ навини яратган. Миллий объективлик асосида миллий субъективлик вужудга келган. Зеро, табиат объектив мавжуд бўлиб, инсон ундан оқилона фойдаланиб, унда ўзининг субъектив изларини қолдиради.

Демак, айтиш мумкинки, маданиятдан холи, соф миллийлик маданий ёндашувдан ҳолилиги билан характерланади. Миллий ҳодисаларнинг тилдаги соф миллий ифодаларида ҳам шу ҳолат ўз аксини топади. Уларда миллий руҳ, менталитет, миллий дунёқараш ва кайфият ифодалари кўзга ташланмайди. Ана шундай миллий маданиятга хос феноменлар нарса ва унинг тилдаги аксида ўз ифодасини топиши билан миллийлик маданият билан чатишиб кетади. Масаланинг муҳим томони шундаки, на мутлақ миллий, на мутлақ маданий ҳодисани топиш мумкин. Уларни ажратиш, ақлий йўл билан улар орасига чегара қўйиш мумкин, холос. Мисол сифатида *дўппи* сўзининг изоҳли луғатдаги талқинига эътибор қаратайлик: **ДЎППИ** Авра-астарли, кўпинча қавима, пилта урилган, тепа, кизак ва жиякдан таркиб топадиган гулдор ёки гулсиз, тўғарак ёки тўртбурчак шаклдаги бош кийими. *Бахмал дўппи. Гилам дўппи. Ҳожи дўппи. Чуст дўппи. Зар дўппи.* Изоҳда ҳодисанинг маданиятдан “ажратиб олинган” миллий хусусияти ўз ифодасини топган ва сунъийлик, яъни инсон қўли билан яратилганлик белгиси бўрттирилган. Лекин изоҳ давомида миллий ментал жиҳатлар акс этган бўлиб, тил ва маданият муштараклиги яққол намоён бўлади:

**Бировнинг дўпписини бировга кийгизмоқ.** Ўзининг фойдасини кўзлаган ҳолда бошқаларни алдаб, лақиллатиб юрмоқ. *Буни бировнинг дўпписини бировга кийгизиш дейди.* Шукрулло Сайланма.

**Дўппини алмаштиргандек.** Жуда осон, қийинчилик туғдирмайдиган. *Бош омон бўлса, иш топиш дўппини алмаштиришга ўхшаш бир нарса.* А.Обиджон, Аканг қарағай Гулмат.

**Дўппини ерга қўйиб.** Хотиржамлик билан, бамайлихотир, диққатни бир жойга тўплаб. *Кетидан пачаваси чиқмаслиги учун, дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўринг олдин.* Ойбек, Танланган асарлар.

**Дўппининг тагида одам бор.** “Эҳтиёт бўл”, “сирингни сақла, лақиллаб гапираверма” маъноларидаги ибора.

**Дўппини осмонга отмоқ** (ёки **ирғитмоқ, ташламоқ).** Ортиқ даражада қувонмоқ, ниҳоятда хурсанд бўлмоқ. *Бу ерда икки-уч овора бўлиб, иш битирган одам дўпписини осмонга отиб хурсанд бўлади.* “Муштум”.

**Дўпписини ол деса, калласини** (ёки **бошини) олмоқ.** Бирор ишни лозим бўлганидан ҳам ўтказиб, ортиқ даражада ва қўпол қилиб бажармоқ. *Тасаддуғингиз кетай, дўпписини олиб кел десангиз, ахир биз жаллод.. бошини кесиб келтирамиз-да.* Ҳамза, Бой ила хизматчи.

**Дўпписи яримта.** Иши жойида, ғам-ташвиши йўқ, парвойи фалак, беғам. *Бизнинг «сартия» жуда беғам.. ҳеч нима бўлмагандай, дўпписи яримта! Ҳалқумигача қарзга ботганини ўзи сезмай қолади. Ойбек, Танланган асарлар.*

**Дўппи тор келганда** 1) иш қисталанг бўлган ёки ноилож қолган вақтда. *Дўппи тор келиб қоладиган вақтларда кабоб қилиб юборамиз.* М.Муҳамедов, Қаҳрамон изидан; 2) *камчилик, етишмовчилик юз берганда. Ўйлаб қарасам, дўппи тор экан. Каттароқ иш қилишга қўлимиз калта экан.* И.Раҳим, Ихлос [5.678].

*Дўппи* сўзи иштирокидаги ибораларнинг барчасида ментал кайфият ва руҳият миллий субъектив ҳодиса хусусиятлари асосида ифодаланган. Бошқача айтганда, мисолларда миллий субъектив ҳодисанинг миллий ментал ҳодисалар билан чатишуви натижасида миллий-маданий ифода вужудга келган.

Шунингдек, дўппи ясовчи асоси иштирокида ҳосил қилинган қатор лексемаларда ҳам миллий субъектив ҳодисалар ифодасини кўрамиз: *дўппидўз, дўппидўзлик, дўппифуруш, дўппичи,*

*дўппиқайтақи.* Бу бирликлардан фақат охиргиси ментал моҳиятга эга бўлиб, ўзида миллий-маданий моҳиятга дахлдорликни акс эттиради: **ДЎППИҚАЙТАҚИ** *с.т. Парвойи фалак, ҳеч нарсадан ғами йўқ; дўпписи яримта. Соя-салқин ерларда шўрва шопириб, дўппиқайтақи, истироҳатда бўлган орсиз кишилар ҳам буни ўқийдилар, эшитадилар.* Ғ.Ғулом, Мард майдонга чиқсин [5.678].

Айрим тил бирликлари, юқорида айтилганидек, фақат табиий миллий моҳиятли ҳодисалар сифатида яшайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатидан бунга мисол сифатида юлғун сўзини келтириш мумкин:

**ЮЛҒУН** гули майда, оқиш, майдабаргли бута. *Узоқ-узоқларда саксовул, туранғи, юлғун ва янтоқ кўзга ташланиб турардики, буларнинг ҳаммаси саҳро қуёшининг сахий нурига чўмганди.* Ш.Рашидов, Бўрондан кучли [6.82].

Сўз ва унга берилган иллюстратив мисолдан ҳам кўриниб турибдики, мазкур борлиқ ҳодисаси қанчалик объектив ва табиий бўлмасин, унинг халқ ёки миллат турмуш тарзидаги ўрнини, маданий ҳаётига таъсирини инкор қилиб бўлмайди. Демак, Н.А.Бердяев таъкидлаганидек, “культура никогда не была и никогда не будет отвлеченно-человеческой, она всегда конкретно-человеческая, то есть национальная [1.85]”. Демак, юлғун табиат ҳодисаси сифатида объектив мавжуд бўлса-да, шу ҳудуд маданий “сарҳад”ларидан батамом йироқ ёки узилган эмас.

Тил бирликларининг миллий мағизида соф лисоний жиҳатлар нолисоний хусусиятлар билан мужассамлашади. Масалан, ҳар қандай тил ҳодисаси шу халқнинг ўтмиши ва бугунини, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, табиий-жўғрофий хусусиятлари ва бошқаларни когнитив концепт ифодаловчиси сифатида ўз бағрида сақлайди: “Наличие специфических признаков языковых единиц, которые могут отражать (эксплицитно или имплицитно) как интралингвистические (фонетические, лексические, грамматические, стилистические), так и экстралингвистические (в первую очередь социальные, исторические, культурные, психологические, этнические) факты, свойственные носителям языка той или иной национально-культурной общности” [1.85].

Миллий ўзига хослик негизида этник пойдевор ётади. Бу бевосита тил ҳодисаларига ҳам хосдир. Модомики, тил миллий-маданий мажмуа экан, бу мажмуа тарихий шаклланиш ва ривожланиш тамойилларига мослиги билан характерланади. Тилнинг тарихий тараққиёт босқичлари маданий тараққиёт босқичлари билан уйғун кечади. Тил қабила, элат, миллат тили сифатида ривожланган экан, маданият ҳам қабила маданиятидан элат маданиятига, элат маданиятидан миллий маданиятга ўсиб чиқади. Тилдаги миллий-маданий ўзига хослик ана шундай тарихий ривожланишни бошидан кечиради. Тарихан эса қабила, элат ва миллатлараро муносабатлар уларнинг миллий-лисоний-маданий яхлитлигида ҳам ёрқин изларини қолдириб боради. Бу муносабатлар қуйидан юқорига қараб турли миқёсларда амал қилади. Айрим ҳодисаларда баъзи қабилалар муносабатлари натижасида туғилган хусусиятлар акс этса, бошқалари умуминсоний характери билан ажралиб туради.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, муносабатлар тўрида шаклланган маданий ҳодисаларда, айтилганлардан ташқари, тамаддун, этноснинг ментал дунёси ва фаолияти қоришуви кузатилади [2.148]. Тамаддун муносабатларни тақозо қилгани каби, муносабатлар сифати цивилизацияни белгилайди. “Ҳаракатда барака” деганларидек, этнос орзу-интилишларининг мақсад билан йўғрилиши фаолиятни келтириб чиқаради, фаолиятнинг сифат даражаси эса миллий-маданий ривожланишни таъминлайди.

Демак, лисоний ҳодисаларда ўз ифодасини топадиган соф миллий ва миллий-маданий хусусиятларни фарқлаш билан бирга, миллий ва умуминсоний жиҳатларни ажратиш ҳам лингвокультурологик талқинларнинг марказида турмоғи лозим.

## Адабиётлар:

1. Бердяев Н.А. Судьба России. Самосознание. - Ростов на Дону: Феникс,1997.-544 с.

2. Бицилли П.М. Избранное. Историко-культурологические работы, т.1.- София: Университетское издательство, 1993. – 396 с.

3. Гак В.Г. Национально-языковая специфика меронимических фразеологизмов // Фразеология в контексте культуры.– М.: Языки русской культуры, 1999. – С. 260-268.

4. Фирсова Н.М. Испанский речевой этикет. – М.: ИНФРА-М, 2001.– 183 с.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.- 572 б.

*Андижон давлат университети,*
*2016 йил 10 октябрда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. Д.Набиева)*